

ИНГЛИЗ ИЛМИЙ АДАБИЁТИДА ФОНЕМА НАЗАРИЯСИ

Сиддикова Ирода Абдузхуровна,
ЎзМУ Таржима назарияси ва қиёсий
тилшунослик кафедраси профессори,
филология фанлари доктори.

Раджабов Насир Насимович
ЎР Жамоат хавфсизлиги университети
Тилларни ўрганиш кафедраси доценти
филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD).

Аннотация: Мақола инглиз илмий адабиётида фонема назариясининг ўзига хос жиҳатлари тадқиқига бағишланган. Унда Лондон фонология мактаби, шунингдек, дистрибутив ҳамда дихотомик фонология назарияларига кўра, товушларнинг фонемик мақомини белгилашнинг ўзига хосликлари таҳлил қилинган. Мақолада фонемани талқин қилишда Лондон фонология мактаби товушларнинг акустик жиҳатига, Америка дистрибутив фонология мактаби фонологик даражадаги бирликлар ўртасидаги алоқа-муносабатга, Америка дихотомик фонология назарияси эса бинар (иккита) фарқланиш белгиси асосидаги универсал тасниф методига асосланиши таъкидланган.

Калит сўзлар: нутқ товуши, фонема, позиция, товушлар оиласи, дистрибутив фонология, дихотомик фонология, дистрибуция.

Кириш (Introduction). Фонема ва фонология масалалари инглиз илмий адабиётида ҳам ўзига хос талқинга эга бўлиб, унда кенг тарқалган фонологияга оид қарашлар асосан Лондон фонология мактаби назариясида ҳамда Америка Қўшма Штатларида шаклланган бир қатор фонология назарияларида ўз ифодасини топган.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили (Literature review). Лондон фонология мактаби фонема ҳамда просодик воситалар хусусидаги муаммоларга доир ўзининг қарашларига эга мактаб сифатида таниқлидир. Д. Джоунз, Ж. Р. Фирс, И. Вард, Ж. Д. О'Коннор, Д. Аберкромби, Д. Б. Фрай, Д. Армстронг, А. С. Гимсон, Ҳ. Кингдом каби тилшунослар Лондон фонология мактабининг энг илғор вакиллари бўлиб, улар фонема ва фонологияга доир муаммоларни инглиз тили мисолида тадқиқ қилганлар. Бу мактаб қарашларининг асосини Д. Джоунз томонидан тақлиф қилинган акустик фонема назарияси ташкил қилади. Бу назарияга кўра фонема акустик жиҳатдан ўхшаш бўлган *товушлар оиласини* ташкил қилади. Д. Джоунз ҳам дастлаб фонема назарияси билан 1911- йилда профессор Л. В. Щерба орқали танишади ва бу борада ўзи ҳам чуқур изланишлар олиб боради. Кейинчалик Д. Джоунз фонема тўғрисидаги қарашларини умумлаштириб, унга шундай таъриф беради: “... фонема маълум бир тилда характер-хусусиятига кўра ўхшаш бўлган ва бир хил позицияда бири ўрнида иккинчиси қўлланмайдиган товушлар оиласидир.” [2, 31] Д. Джоунз ўзининг фонологик назариясида фонемага ўхшаш товушлар оиласи деб қарар экан, у асосий эътиборини фонеманинг физик жиҳатига эмас, унинг функционал жиҳатига қаратади [9, 18]. Бу назарияга кўра, ўзбек тилидаги тил олди унлилари тил орқа ундошларидан кейин ўзининг тил орқа аллофонларига эга бўлиши ёки аксинча, тил орқа унлиларининг тил олди

ундошларидан кейин тил олди вариантларига эга бўлиши туфайли тил олди унлилари тил орқа аллофонлари билан, тил орқа унлилари эса тил олди аллофонлари билан бир товуш оиласини ташкил қилади. Ўзбек тилида маълум бир унли фонемага тегишли тил олди ва тил орқа аллофонларининг акустик жиҳатдан ўхшашлигига қарамадан бирини ўрнида иккинчисини қўллаб бўлмаслиги ҳам уларни бир товуш оиласи эканлигини изоҳлайди. Ўзбек тилида унли фонемаларнинг фонетик ва фонологик хусусиятлари борасида бир қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилган бўлиб, уларда унлиларнинг мазкур тилдаги ўзига хосликлари атрофлича илмий ўрганилган [3; 4; 11; 12; 13].

Инглиз илмий адабиётида Америка Қўшма Штатларида юзага келган бир қатор фонологияга оид назариялар ҳам ўз ўрнига эга бўлиб, улар орасида *дистрибутив (дескриптив) фонология назарияси* ҳамда *дихотомик фонология назарияси* америкалик тилшунос олимлар томонидан таклиф этилган энг илғор назариялар саналади.

Дистрибутив фонология назариясининг асосчиларидан бири Леонард Блумфилд бўлиб, у ўзининг назариясида фонемани тилнинг энг кичик маъно фарқловчи бирлиги сифатида талқин қилади [8, 72-141]. Унинг *бирламчи фонема (маъно фарқловчи энг кичик сегмент бирлик)* ва *иккиламчи фонема (урғу)* ҳақидаги ғоялари кейинчалик сегмент ва суперсегмент фонемаларнинг таснифида муҳим аҳамият касб этди. Шуниндек, Л. Блумфилд фонема ва фонема бирикмаларининг сўз боши, сўз ўртаси ва сўз охирида қўлланилишига кўра тавсифини ҳам берган. Л. Блумфилднинг фонемага оид қарашларида баъзан *нутқ товуши* тушунчаси билан *фонема* тушунчасини аралаштириб юборганини сезиш мумкин. Масалан, бир ўринда у фонемага тилнинг маъно фарқловчи энг кичик бирлигидир, деб таъриф берса, бошқа бир ўринда у фонемага фонетик хусусиятларнинг энг кичик бирлигидир, деб таъриф беради. Ваҳоланки, ўзининг иккинчи таърифида Л. Блумфилд фонемага соф фонетик таъриф бериши билан фонема сўзи воситасида нутқ товушини назарда тутди [8, 72-141]. Кейинчалик Л. Блумфилд назарияси З. Харрис, Ч. Ф. Хокет, Г. Глисон каби тилшунослар томонидан янада ривожлантирилади [1, 46]. Дескриптив фонология мактаби назариясида фонема ва унинг вариантларини аниқлашнинг ўзига хос усули таклиф этилади. Бу усулга кўра фонологик даражадаги бирликлар ўртасидаги алоқа-муносабат уч типга ажратилади:

– *Қарама-қарши дистрибуцияга асосланган алоқа-муносабат.* Бунга кўра икки товуш айнан бир ўринда қўллана олади ва уларнинг бирини ўрнида иккинчисининг қўлланилиши сўз маъносининг ўзгаришига олиб келади: *бир-бор-бер-бур-бўр.*

– *Қўшимча дистрибуция ҳолатидаги алоқа-муносабат.* Бундай муносабатдаги икки товуш бир хил ўринда қўллана олмайди. Масалан, аспирацияли /p/, /t/, /k/ товушлари келган ўринда (унлидан олдин, икки унли ўртасида, сўз охирида) аспирациясиз /p/, /t/, /k/ товушлари учрамайди.

– *Эркин вариацияга (“свободное варьирование”)* асосланган алоқа-муносабат. Ўзаро эркин вариация муносабатидаги икки товуш сўз маъносини ўзгартирмаган ҳолда айнан бир ўринда қўллана олади [7, 330-331]. Масалан, ўзбек тилидаги /e/ унлисини сўз бошида ярим очик ёки очик талаффуз қилиниши, шунингдек, ундошларнинг айнан бир ўринда қаттиқ ёки юмшоқ талаффуз қилиниши сўз маъносини ўзгартирмайди. Бундай товушлар ўзаро эркин вариация муносабатида бўлиб, ўзлари мансуб бўлган фонеманинг эркин аллофонлари ҳисобланади. Эркин вариацияли дистрибуция эквивалент дистрибуция деб ҳам аталади [6, 57]. Тилшуносликда *дистрибуция моделлари* номини олган бу типларнинг биринчисига асосан, фонологик даражадаги икки элементнинг бир хил позицияда қўлланиши

натижасида сўзларнинг маъноси фарқланади. Шунинг учун бундай муносабатдаги товушларнинг ҳар бири *мустақил фонема* ҳисобланади. Икки товушнинг айнан бир ўринда қўллана олиши нуқтаи-назаридан биринчи модел учинчи моделга ўхшаш бўлса-да, сўз маъносининг ўзгармаслик жиҳати билан учинчи модел биринчи моделдан фарқ қилади. Учинчи моделга мисол бўладиган товушлар Н. С. Трубецкой таъбири билан айтганда *бир фонеманинг факультатив вариантлари* ҳисобланади [14, 51]. Иккинчи модел эса бир фонема доирасида ифодаланадиган товушларга тегишли бўлгани туфайли, бу типдаги товушлар бир фонеманинг вариантлари ёки аллофонлари дейилади. Шу нуқтаи-назардан фонема дескриптив фонология назариясида *аллофонлар синфи* деб ҳам аталади.

Дихотомик фонология назарияси ҳам кенг тарқалган фонологик назариялардан бири бўлиб, унинг асосини дунёдаги барча тилларга тадбиқ қилиниши мумкин бўлган бинар (иккита) фарқланиш белгисига асосланган универсал тасниф методи ташкил қилади. Бу назарияга асосан дунё тилларининг барчаси фонемаларнинг артикуляцион-акустик хусусиятларига асосланган қуйидаги ўн икки нафар бинар фарқланиш белгилари асосида тасниф қилиниши мумкин [10, 173-298]: 1) *унли - унли эмас*, 2) *ундош - ундош эмас*, 3) *компакт - диффуз*, 4) *кучли - кучсиз*, 5) *жарангли - жарангсиз*, 6) *бурун - оғиз* (ёки *назализацияли - назализациясиз*), 7) *бўлинган - давомий* (*бўлинмаган*), 8) *кескин - кескин эмас* (*шовқин кучининг кўплиги ёки камлиги*), 9) *глоттал - глоттал эмас* (*талаффузда ҳаво оқимининг қирқилиши ёки қирқилмаслиги*), 10) *паст тоналлик - юқори тоналлик*, 11) *бемол тоналлик - оддий тоналлик*, 12) *қаттиқ - юмшоқ*.

Таҳлил ва натижалар (Analysis and results). Дихотомик фонология назарияси туркий тилларга илк бор А. М. Шчербак томонидан [15], хусусан ўзбек тилига А. Абдуазизов томонидан тадбиқ қилинган [6, 45-51]. Профессор А. Абдуазизов бу назарияни ўзбек тилига тадбиқ қилар экан, мазкур назарияда қўлланган терминларнинг ноқулай ва тушунарсизлиги, барча фарқланиш белгилари бинар шаклда эканлиги, уларни рентгенографик ва спектрографик анализ қилиш натижалари барча тиллар учун бир хил эмаслиги кабиларни ушбу назариянинг камчилиги сифатида қайд этади [5, 51]. Дихотомик фонология назариясида қўлланган атамаларнинг баъзилари бошқа фанлардан олинган (масалан, “бемоль тоналлик” ва “оддий тоналлик” мусиқа назариясидан олинган) бўлса, баъзилари кенг маънога эга бўлган атамалардир. Масалан, «прерванный -непрерванный», «глоттализированный - неглоттализированный», «резкий - нерезкий», атамаларининг жуда кенг маънога эга эканлиги уларнинг таржимаси ушбу назария тадбиқ қилинаётган тилларда баъзан ноаниқ бўлишига олиб келиши мумкин. Шу сабабдан мазкур терминларнинг ўзбек тилидаги таржимаси аниқ эмас: «прерванный - непрерванный» (“бўлинган - давомий”), «глоттализированный - неглоттализированный» (“қирқилган - қирқилмаган”), «резкий - нерезкий» (“кескин - сокин”) [6, 45]. Дихотомик фонология назариясини бошқа тилларга тадбиқ қилишда юқоридаги камчиликларни ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Хулоса ва таклифлар (Conclusion/Recommendations). Хулоса қилиб айтганда, инглиз илмий адабиётида мавжуд фонология назарияларининг ҳар бири фонемани тил бирлиги сифатида тан олса-да, уни талқин қилишда турлича ёндашувга асосланадилар. Фонемани талқин қилишда Лондон фонология мактаби товушларнинг акустик жиҳатига, Америка дистрибутив фонология мактаби фонологик даражадаги бирликлар ўртасидаги алоқа-муносабатга асосланади. Америка дихотомик фонология назариясининг асосини эса бинар (иккита) фарқланиш белгисига асосланган универсал тасниф методи ташкил қилади. Тилларни тадқиқ қилишда тадқиқот мақсадига боғлиқ ҳолда ушбу фонологик

назарияларнинг тадқиқ қилинаётган тил учун энг муносибини танлаш, шунингдек, ҳар бир фонологик мактабнинг энг илҳор ғояларидан бир тилни тадқиқ қилишда ўринли фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Адабиётлар:

1. Abduazizov A.A. English Phonetics. A theoretical course. 3rd edition. – Tashkent: Musiqa, 2007. p. 46.
2. Jones D. The Phoneme: its Nature and Use. – Cambridge, 1950. P. 31.
3. Nasimovich R. N. Quality and quantity reduction //Euro-Asia Conferences. – 2021. – Т. 4. – №. 1. – С. 48-49.
4. Nasimovich, R. N. (2021). Phonological Oppositions of Unstressed Vowels in The Uzbek Language. Middle European Scientific Bulletin, 15. <https://doi.org/10.47494/mesb.2021.15.693> .
5. Abduazizov A. Tilshunoslik nazariyasiga kirish. – Тошкент: “Sharq” NMAK, 2010. 51-б.
6. Баскаков Н. А., Содиқов А. С., А. А. Абдуазизов Умумий тилшунослик. – Тошкент: Ўқитувчи, 1979. 45-51-бб.
7. Берёзин Ф. М., Головин Б. Н. Общее языкознание. – Москва: Просвещение, 1979. С. 330-331.
8. Блумфилд Л. Язык. – Москва: Прогресс, 1968. С.72-141.
9. Журавлев В.К. Диахроническая фонология. – Москва: Наука, 1986. С. 18.
10. Новое в лингвистике. Вып. II. – Москва: Прогресс, 1962. С. 173-298.
11. Раджабов Н. Н. Ўзбек тилида тил орқа унлилар дистрибуцияси // Science and pedagogy in the modern world: Problems and solutions – 2023. – Т. 1. – №. 1.
12. Раджабов Н. Н. Фонетические особенности безударных гласных в узбекском языке //Вестник Челябинского государственного университета. – 2016. – №. 9 (391). – С. 140-145.
13. Раджабов, Н. Н., & КЎРИНИШЛАРИ, Ў. ORIENSS. 2022.№ Special Issue 26. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/zbek-tilida-unli-fonemalarningpozitsion-k-rinishlari> (дата обращения: 10.10. 2023).
14. Трубецкой Н.С. Основы фонологии. – Москва: Аспект пресс, 1960. С. 51.
15. Шчербак А. М. Сравнительная фонетика тюркских языков. – Л.: Наука, 1970.